

Вилоят ҳокими Ш.Абдураҳмоновнинг “Қадимги ва ўрта асрлар Фарғона водийси тарихи ҳамда этнографияси муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий семинар қатнашчиларига табрик СЎЗИ

Ассалому алайкум ҳурматли халқаро илмий семинар қатнашчилари!

Азиз меҳмонимиз Ванг Вей жаноблари бошлиқ Чин юртидан келган олимлар!

Аввало барча меҳмонларимизни улуғ бобокалонимиз Бобурмирзо туғулиб ўсган юрт - Андижонимизга ҳуш келибсиз дейишга ижозат берасизлар.

Андижон ёдгорликлари мисолида ўтаётган “Қадимги ва ўрта асрлар Фарғона водийси тарихи ҳамда этнографияси муаммолари” мавзусидаги бугунги семинарда Сизлар билан учрашиб турганимдан ғоят мамнунман.

Мамлакатимизнинг халқаро миқёсда эътироф этилган бир қатор ҳурматли олимлари ҳамда Хитой халқ Республикаси парламенти юқори палатаси аъзоси, Ижтимоий фанлар академияси Археология институти директори, академик Ванг Вей жаноблари бошчилигидаги Хитой халқ делегацияси аъзолари иштирокида ўтаётган бугунги семинарни халқаро миқёсда алоҳида эътиборга молик илмий анжуман деб ҳисоблайман.

Чунки, она заминимизнинг турли мамлакатларида хунрезлик урушлари, дунё бозорини эгаллаш мақсадида ноҳақ қон тўкишлар, мамлакатларда кресло талашган қатор социал гуруҳлар бошида турган амалпарастлар миллат ва эллатларни бир-бирига хундор душманларга айлантириб қўяётган ҳозирга таҳликали бир даврда Сиз билан биз юртимиз ва халқларимизнинг тарихини, қадимги иқтисодий ва савдо алоқаларимиз тарихини ўзаро ҳамкорлик асосида ўрганишга бағишланганлиги билан ҳам ушбу семинар ғоят қадрлидир.

Ўзбекистон-Хитой қўшма археологик комплекс экспедицияси ва устоз, Андижоннинг фидойи фарзанди Зокиржон Машрабов раҳбарлигидаги “Бобур” номли халқаро жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган бу семинар халқларимизнинг қадимги тарихини илмий асосларда дунё ҳамжамиятига маълум қилиш, етказиш орқали қадимги шаҳарсозлик маданияти тарихи, ўша даврларда ҳам халқларимиз ҳозиргидек ўзаро ҳамкорликда илм-фанни ривожлантириш, бунёдкорлик, яратувчилик ишлари билан шуғулланганлигини яна бир бор исботлашга хизмат қилади.

Андижонимизнинг 2500 йиллик юбилейи томон етакловчи бугунги илмий-амалий тадбирда Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институти Турон бўлими мудир, тарих фанлари доктори, ҳамюртимиз Боқижон Матбобоевнинг “Андижон тарихи”, “Древний и средневековый Андижан” китобларининг тақдимоти ўтаётгани алоҳида диққатга сазовордир.

Ўйлайманки, олимларимиз ва меҳмонларимиз мазкур китобларга анжуман давомида ўзларининг қимматли фикрларини билдирадилар.

Ўзбекистон-Хитой қўшма археологик комплекс экспедицияси томонидан қадимги Довон давлатининг пойтахти Эрши шаҳри ўрни - ҳозирги Марҳамат туманидаги Мингтепада олиб борилаётган археологик қазилма ишлари натижасида шу ҳудудда очиқ осмон остидаги музей ташкил этилишига бугунги анжуманимиз муҳим қадам бўлиб хизмат қилишига ишонаман.

Руҳсатингиз билан семинар ишига омад тилар эканман, юқорида таъкидланган китоблар муаллифи Боқижон Матбобоевга Сизларнинг иштирокингизда вилоят ҳокимининг Фахрий ёрлиғи ва совғасини топширсам.

Боқижон Матбобоевга илмий ва ижодий ишларида, оилавий ҳаётида омад доимо ёр бўлишини тилайман.

Эътиборларингиз учун раҳмат!